

ТАСАВВУФ ТАРИХИ ВА ФАЛСАФАСИДА ЗАҲАБИЯ ТАРИҚАТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14963512>

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич,

фалсафа фанлари доктори (DSc),

ISFT институти “Гуманитар ва табиий фанлар” кафедраси профессори

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Раҳматович Комилжон Раҳимов,

тарих фанлари доктори (DSc),

ЎзФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

Аннотация

Тасаввуф тарихи ва фалсафасида ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турадиган Заҳабия тариқати замонавий тасаввуфшуносликда нисбатан кам ўрганилган тариқатларидан биридир. Унинг тарихий тақдири ва ақидавий-фалсафий асосларини тадқиқ этиш Тасаввуф таълимотининг тарихи ва умумтасаввуфий ғояларни янада мукамалроқ ўрганиш учун хизмат қилади.

Ушбу мақолада XIV аср охирида Хуросонда аввалига Кубравия тариқатининг тармоғи (силсиласи) сифатида вужудга келиб, XV аср бошларида шиа ақидасига асосланган мустақил тариқат даражасигача ривожланган Заҳабия тариқатининг вужудга келиши, шаклланиши, тараққиёт босқичлари ҳамда ақидавий ва фалсафий жиҳатлари каби масалалар асл манбалар ва янги илмий тадқиқотлар асосида таҳлил ва тадқиқ этилади.

Калит сўзлар

Тасаввуф, тариқат, Кубравия, Заҳабия, силсила, “Силсилат уз-заҳаб”, Хожа Исҳоқ Хатлоний, Абдуллоҳ Барзишободий, Аҳли байт, кутб, “Шамсия ва Қамария валоятлари”.

ORDER OF ZAHABIYAH IN THE HISTORY AND PHILOSOPHY OF SUFISM

Kholmuminov Jafar Muhammadiyevich,

Doctor of Philosophical sciences (DSc),

Professor of the Department of “Humanities and Natural Sciences”

ISFT Institute (Tashkent)

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Rakhimov Komiljon Rakhmatovich,
*Doctor of Historical Sciences (DSc),
senior researcher Institute of Oriental Studies
of the Academy of Sciences of Uzbekistan*

Abstract

The Sufi order of Zahabiyya, characterized by its aspects in the history and philosophy of Sufism, is one of the understudied orders in modern Sufi studies. The study of its historical fate and religious and philosophical foundations serves to better explore the history of Sufism and general Sufi ideas.

In this article on the basis of primary sources and new scientific researches such questions as origin, formation, stages of development, as well as doctrinal and philosophical aspects of the Zahabiyya Order, which first appeared as a branch (chain) of the Kubrawian Order in Khorasan at the end of the XIV century and developed to the level of an independent order based on the Shiite faith in the beginning of the XV century, are analyzed and investigated.

Keywords

Sufism, tariqat, Kubrawiyya, Zahabiyya, Silsila, "Silsilat uz-Zahab", Khoja Ishaq Khatlani, Abdullah Barzishabadi, Ahli Bayt, Qutb, "Walayat Shamsiyya and Kamariyya".

ТАРИКАТ ЗАХАБИЯ В ИСТОРИИ И ФИЛОСОФИИ СУФИЗМА

Холмуминов Джафар Мухаммадиевич,
*доктор философских наук (DSc),
профессор кафедры «Гуманитарных и естественных наук»
Института ISFT (Ташкент)*

jafarmuhammad@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Рахматович Комилдjon Рахимов,
*доктор исторических наук (DSc),
старший научный сотрудник
Института востоковедения АН Узбекистана*

Аннотация

Суфийская орден Захабия, отличающаяся своими аспектами в истории и философии суфизма, является одной из малоизученных ордена в

современном суфиведении. Исследование его исторической судьбы и религиозно-философских основ служит лучшему изучению истории суфизма и общих суфийских идей.

В данной статье на основе первоисточников и новых научных исследований анализируются и исследуются такие вопросы, как возникновение, становление, этапы развития, а также доктринально-философские аспекты ордена Захабия, впервые возникшего как ветвь (цепь) Кубравиянского ордена в Хорасане в конце XIV века и развившегося до уровня самостоятельного ордена, основанного на шиитской вере в начале XV века.

Ключевые слова

Суфизм, тарикат, Кубравия, Захабия, силсила, «Силсилат уз-Захаб», Ходжа Исхак Хатлани, Абдулла Барзишабади, Ахли Байт, Кутб, «Валаят Шамсия и Камария».

Кириш

Захабия тариқати илк бор қадимги Хуросон минтақасида, Хатлон вилоятида (ҳозирги Тожикистон ҳудудида) Шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221) асос солган Кубравия тариқатининг силсиласи (тармоғи) сифатида вужудга келган, дастлаб қишлоқ жойларда, кейинчалик шаҳарларда кенг ёйилган. Милодий XV-XVII асрларда Хуросон минтақаси ва Хатлон вилояти Захабия тариқатининг маркази ҳисобланган. Кубравия тариқатининг шайхлари, хусусан, Мирсайид Али Ҳамдоний ва Хожа Исҳоқ Хатлоний ўз таълимотини шу ҳудудда яратганлар. Ёиллар ўтиб, Захабия тариқатининг маркази Шерозга, Қутб III даврида эса Исфаҳонга кўчирилди. Шох Ҳусайн Сафавий даврида эса фақиҳлар босими туфайли яна Шерозга кўчирилди.

Захабия тариқати ҳозирги кунгача Эроннинг баъзи бир ҳудудларида ўз хонақоҳлари ва пирларига эга.

АСОСИЙ ҚИСМ:

Захабия тариқатининг вужудга келиши ва шаклланиш даври

Тариқатнинг расмий номи “Тариқаи олияи Захабияи Мустафавияи Муртазавияи Ризавияи Маҳдавияи Кубравия” дир. “Захабия” деб номланиши юзасидан бир қанча талқинлар бор. Булар ичида ҳақиқатга яқинроғи бу номнинг “Силсилат уз-захаб” (олтин занжир) атамасидан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикр дир. Ушбу атама шиа имомларининг шажаравий тарзда бири-бири билан алоқадорлигини англатади.

Захабия тариқати Эронда Сафавийлар ҳукумати ўрнатилгандан сўнг Хуросонда кенг тарқалди. Ундан “Захабияи Ифтишошия” ва “Захабияи

холис” каби шуъбалар вужудга келди. Шунинг учун ҳам бу тариқат “Умму салосил” (силсилалар онаси) деб ҳам аталган.

Баъзилар бошқа сабабларни ҳам айтиб ўтганлар. Жумладан, бу ном ушбу сулоланинг Пайғамбар (с.а.в.) ва Аҳли байт билан боғланганлигидан, деб билиб, бу сулолани Заҳаб – олтинга қиёслаганлар. “Заҳабия” Имом аз-Заҳаб ҳадислари билан боғланган ва шу номдан олинган, деган фикр ҳам бор. “Заҳабия”дан мақсад шогирдларни олтиндек сайқал бериш ва поклашдир, деган талқин ҳам бор.

Бу тариқатнинг мухолифлари уларни “Заҳабияи Ифтишошия”, лекин ўзларини “Заҳабияи Холис” ёки “Заҳабияи Муртазавийя” деб атаганлар. Бу тариқатнинг бошқа номлари орасида Ҳазрати Али, Имом Ризо, Ҳазрати Маҳдий, Нажмиддин Кубро ва Мирзо Аҳмад Абдулҳай Муртазавийга нисбат берилган “Заҳабияи Разавия”, “Маҳдия”, “Кубравия” ва “Аҳмадия” ҳам бор.

“Заҳабияи Ифтишошия” тариқати XV асрнинг 30-40 йилларида Хуросонда ташкил этилди. Манбаларда Сайид Шаҳобиддин Абдуллоҳ Барзишободий Машҳадий ушбу тариқатнинг асосчиси сифатида тилга олинади.[1: 234.] “Мажзуб” лақаби билан машҳур бўлган Сайид Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Абдулҳай Али ал-Ҳусайн хижрий 770-780 йилларда Машҳаднинг Барзишобод шаҳрида туғилган. У ўз устози Хожа Исҳоқнинг куёви эди. Хожа Абу Исҳоқ Барзишободийнинг машҳур асари “Рисолаи камолия” номли китобдир. Шунга қарамай, “Заҳабия тариқатининг асосчиси ким?” деган масала доимо баҳсли бўлиб келган. Жумладан, баъзилар Шайх Нажмиддин Кубро номи билан машҳур бўлган Шайх Нажмиддин Аҳмад бин Умар Хевакийни, бошқалар эса Хожа Исҳоқ Хатлонийни бу тариқатнинг асосчиси сифатида тилга оладилар.

“Заҳабияи Ифтишошия” тариқати Кубравия тариқатидан ажралиб чиққан мустақил шиа тариқати ҳисобланади.

Тариқатнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини икки босқичга бўлиш мумкин:

1. Заҳабия тариқати ташкил топган вақтдан бошлаб то 1785-йилда Оғо Муҳаммад Ҳошим Дарवेशий Шерозий яъни, тариқатнинг Заҳабия асосчисига тақалувчи силсиласи ва бошқариш учун ижозат олган охириги раҳбарининг ўлимигача бўлган даврдан иборат. Бу даврда ёзма манбаларга кўра, Кубравий Исҳоқ Хутталоний ўз ўлиmidан олдин ўринбосарларининг бошлиғи (тариқатнинг халифат ул-хулафоси) этиб Нурбахш (1392-1464) номини олган Сайид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ахсоийни тайинлайди. Унга эргашган муридларнинг аксарияти бу қарорни қўллаб-қувватлайдилар. Камчилик қисми қаршилик кўрсатиб, тариқатнинг халифат ул-хулафоси

сифатида Абдуллоҳ Барзишободийни тан олади. Бўлиниш натижасида иккита мустақил шиа тариқати – Нурбахшия ва Заҳабия юзага келади. Манбаларга қараганда, тариқат ташкил топганидан анча вақт ўтгач “Заҳабия” деб ном олган. Нуруллоҳ Шуштарий (мил. 1547-1610 йй.)нинг қайд этишича, Барзишободийнинг тарафдорларини Хуросонда “сўфия”, Нурбахшнинг тарафдорларини эса “Нурбахшия” деб атаганлар.

2. XVIII асрдан ҳозирги кунга қадар давом этиб, у Оғо Мирзо Абдуннабий Шерозий (ваф. мил. 1815 й.) номи билан боғлиқ. Оғо Мирзо Абдуннабий Шерозий Заҳабия силсиласининг давомчиси сифатида ижозат олмай, балки унга тушида кўринган Али Ризонинг хоҳишига таяниб ўзини шундай деб эълон қилган.

Маълумотларга қараганда бир пайтлар Абдуллоҳ Барзишободий хожаси – Ҳамадония-Кубравия тариқати пешвоси Хожа Исхокнинг Сайид Муҳаммад Нурбахшга байъат қилиш ҳақидаги буйруғига бўйсунмаган экан. Абдуллоҳ байъат қилишдан бош тортгани учун ҳам унинг тариқати “Заҳабия” номи билан машҳур бўлган, деган фикр ҳам бор. Бу сабаб ҳақиқатга кўпроқ мос келиши ривоят қилинган. Кейинчалик Нурбахшия ва Заҳабия номлари билан икки тариқат шаклланган.

Баъзилар Заҳабиянинг Барзишободийгача бўлган даврини сунний тариқат, ундан кейин эса шиаликка мансуб тариқат деб ҳисоблашган.

Заҳабия Эронда шаклланган тариқатлар ичида хорижда мавжуд бўлмаган ягона тариқатдир.

Заҳабия тариқатининг тарихий тараққиёт босқичлари

Заҳабия тариқати зоҳидлик ва обидлик даври, юксалиш даври, турғунлик даври ва замонавийлик даври каби турли тараққиёт босқичларини бошидан кечирган.

Заҳабий тариқатининг ўн бир асрлик тарихи машҳур Маъруф Кархий ҳижрий 200 йилда вафот этганидан то ҳижрий 1331 йилда Маждалашраф вафотигача бўлган давр мобайнида қуйидаги босқичларга бўлинган:

1. Зоҳидлик ва обидлик даври.

Бу давр машҳур сўфий Маъруф Кархий вафотидан бошланиб, ҳижрий бешинчи аср охирида Абу Бакр Нассож билан тугайди. Бу даврда таркок сўзлар ва афоризмлардан ташқари Заҳабия тариқатининг ёзма китоби йўқ.

2. Иккинчи давр тасаввуфнинг юксалиш даври ёки илм давридир. Бу давр 6-аср бошидан Аҳмад Ғаззолий (ваф. ҳиж. 525 й.) билан бошланиб, ҳижрий IX аср охири (XV аср охири XVI боши) ва Хожа Исхок Хатлоний вафотигача яқун топди ва ҳижрий XII аср охиригача, яъни Сайид Қутбиддин Муҳаммаднинг вафотигача (ҳиж. 1173 й.) давом этди.

Бу давр XII аср охири - Муҳаммад Ҳошим Шерозий (ҳиж. 1173 й.) раҳнамолиги давридан бошланиб, ҳижрий XIV аср бошлари ва Маждалашраф вафоти (ҳиж. 1331 й.) билан тугади.

XVIII асрдан бошлаб Заҳабия тариқатининг бош қароргоҳи Шерозда жойлашган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Заҳабия ўз қарашларини ёйиш ва аъзоларини кўпайтириш борасида анча фаоллашади. XX асрнинг XIX асрнинг 70-йилларида Заҳабиянинг Шероздаги даргоҳлардан ташқари Техронда ҳам хонақоҳи бўлган.

Заҳабия силсиласи Мир Сайид Али Ҳамадоний (ваф. ҳиж. 786 / мил. 1384 й.), ундан кейин эса унинг кўеви Хожа Исҳоқ Хатталоний (ваф. ҳиж. 826-827 / мил. 1423-1424 йй.)нинг саъй-ҳаракатлари билан Кубравия тариқатининг шохаларидан бири сифатида вужудга келди. Ундан кейин Нурбахшиянинг икки тармоғи - Нурия ва Заҳабия вужудга келган. Баъзи манбаларда қайд этилишича, бу бўлинишнинг асосий сабаби Хожа Исҳоқ Хатлонийнинг икки кўзга кўринган шогирди, яъни, Сайид Абдуллоҳ Барзишободий (ваф. ҳиж. IX аср охири / мил. XV аср) ва Сайид Муҳаммад Нурбахш (ваф. ҳиж. 869 / мил. 1465 й.) ҳамда уларнинг тарафдорлари ўртасидаги ихтилоф бўлган. Икки қарама-қарши гуруҳ ўз манфаатларига мослаштирилган ривоятларни тақдим этишади. Жумладан, Заҳабия силсиласига эргашган Ибн Карбалоийнинг ривоятига кўра, Барзишободий Сайид Муҳаммад Нурбахшдан олдин Хатлоний ҳузурига келиб, унга иродат кўлини берган. Хожа ҳам ўзининг хулқ-атворида эришган маънавий мақомига кўра уни ўзига ворис қилиб танлаган ва унинг кизини ўз никоҳига олган.[2: 325.] Аммо Нурбахш тарафдорларининг ривоятларига кўра, Хожа Исҳоқ Сайид Абдуллоҳ Барзишободийнинг ўринбосарлигини кутган аксар шогирдларнинг фикрига зид равишда ўзининг бошқа шогирди Сайид Муҳаммад Нурбахшни ўзига ворис этиб тайинлаган. Бунинг ортидан унинг шогирдларидан бир қисми Нурбахшга байъат қиладилар. Орадан бироз вақт ўтгач, у ўзини “Маҳдий” деб эълон қилади ва Хожа Исҳоқ ҳам буни тасдиқлайди. Бу хабар Барзишободийга етиб боргач, у Нурбахшга байъат қилишдан бош тортади, унинг маҳдийлик даъвосини қабул қилмайди ва унинг тарафини олган Хожа Исҳоқнинг баъзи шогирдлари билан бирга ундан узоклашади. [3: 2/143-145.]

Бироқ, бундан кейин Барзишободий Хожа Исҳоқ ва унинг укаси Нурбахш билан бирга ўз тарафдорлари олиб Хатлондан Машҳаддаги Табодконга кўчиб боради ва у ерда муқим бўлиб қолади. У асос солган тариқат ундан кейин унинг ворислари томонидан “Заҳабия” деб аталган. [4: 2/144-145; 2/244-345.] Нурбахшия тариқати асосчиси Сайид Муҳаммад

Нурбахш тарафдорларининг фаолиятини Сафавийлар даврида кўриш мумкин, аммо бу тармоқ шундан кейин аста-секин йўқолиб кетади. Қизиғи шундаки, улар ҳам узоқ вақт давомида ўзларини “Заҳабийлар” деб аташган. Бу тартиб билан Заҳабия тариқати шайхлари Саййид Абдуллоҳ Барзишободий орқали Хожа Исҳоқ Хатлоний, Мир Саййид Али Ҳамадоний, Маҳмуд Маздагоний, Алоуддавла Симноний, Нуриддин Абдурахмон Исфаройний, Аҳмад Жозконий, Али Лола, Маждиддин Бағдодий, Шайх Нажмиддин Кубро ва у орқали Аммор Ёсир Бодлесий, Абу Нажиб Сухравардий, Аҳмад Ғаззолий, Абу Бакр Нассож, Абулқосим Кўрағоний, Абу Али Котиб, Абу Али Рўдборий, Абу Усмон Мағрибий, Жунайд Бағдодий ва нихоят, Маъруф Кархий орқали Имом Ризога ва у орқали Ҳазрати Алига етади. Тасаввуф пешволаридан “Олтин сисила”нинг бошидан жой олган Маъруф Кархий Заҳабия тариқатининг биринчи кутби саналади.[4: 36-37; 290-292.] Заҳабийлар Нақшбандия, Рифоия ва Шатторийя тариқатлари каби ўз шайхларининг насл-насабини уч йўл орқали имомларга етказдилар. [6: 183-184; 308.] Шунингдек, улар Сомоний подшоҳлари барча шиа имомлари киритилган “Силсилат аз-Заҳаб” ҳадисини олтин сув билан ёзганлар, бу силсиланинг пешволари ҳам Имом Ризога ўз хиркаларининг ҳужжатини олиб келган, деб ҳисоблашади.[7: 285-289.]

Яна бир маълум бўлмаган жихат Халифа Маъмуннинг Имом Ризодан шариат ва тиббиёт масалаларида амал қилиш учун рисола сўраши, натижада “Тибб ар-Ризо” ва “Фикҳ” номли иккита рисола ёзиши билан боғлиқ. Халифа Маъмун иккала рисолани ҳам олтин сувда ёзишни буюради ва иккала вариант ҳам “Заҳабия” номи билан машҳур бўлади.[8: 1/94-101.]

Қози Нуруллоҳ Шуштарий Ифтишошия сифатларига ишора қилмаган ҳолда, Саййид Абдуллоҳнинг Саййид Муҳаммад Нурбахшга содиқ бўлмагани ҳақидаги ҳикояга ишора қилиб, Заҳабия номининг келиб чиқишини Хожа Исҳоқнинг “Заҳаба Абдуллоҳ” иборасидан деб билади. Баъзи манбалар ушбу воқеага ишора қилиб, Заҳабияга “Ифтишошия” номини қўшиб, 100 йилдан камроқ вақт давомида “Заҳабия” деб юритилган, деб ҳисоблашади.[9: 2/144-145; 2/344; 264; 198.] Албатта, Заҳабия тариқати вакиллари бу фикрларни қабул қилмаган ҳолда Хожа Исҳоқ билан Саййид Абдуллоҳ ўртасидаги фарқни сохта, ақл ва мантиққа зид деб билишади. Табиийки, Саййид Абдуллоҳ Барзишободийни Хожа Исҳоқ Хатлонийнинг вориси деб биладилар.[10: 53, 215, 322.] Уларнинг фикрича, Заҳабия номи нафақат Саййид Абдуллоҳнинг издошлари учун ишлатилган, балки Саййид Муҳаммад Нурбахш ҳам “Аз-Заҳаб” туркумидаги “Ал-Авалия ас-Сағира ал-Масмах” туркуми деб номланган рисола ёзган. “Гулшани роз”нинг

шархловчиси Шамсуддин Муҳаммад Лохийжий (ваф. хиж. 912 / мил. 1506) ҳам Нурбахшнинг шогирдларидан бўлиб, ўз силсиласини “Силсилат уз-заҳаб” – “Олтин занжир” деб атаган. Улардан ташқари арабча келишиқда отнинг феълидан нисбат ясалмайди, балки нисбий қоидалар ҳозирги от ҳақида бўлади ва шунинг учун Заҳабия “олтин” маъносини билдирувчи “Заҳаб” га нисбат берилади.[11: 585.]

Албатта, улар наздида “Заҳабия” номи билан бирга Илоҳия, Муҳаммадия, Алавия, Разавия, Маҳдавия, Маъруфия, Кубравия ва Аҳмадия каби бошқа шуъбалар ҳам тилга олинган, бундан кўзланган мақсад бу усулни тасдиқлаш ва унинг қадимийлиги ва ўзига хослигини таъкидлаш бўлган.[12: 87; 2-4, 14-29] Гарчи Заҳабия манбаларида бу тариқатнинг барча пирлари шиа ҳисобланган бўлса-да, тадқиқотчиларнинг фикрича, бу тариқатнинг шиалик йўналишлари Мир Саййид Али Ҳамдонийдан кейинги даврга, айниқса, Сафавийлар даврига бориб тақалади. Бундан, Заҳабия тариқати Кубравия тариқатининг силсиласи сифатида тилга олинган даврида суннийлик эътиқодига асосланган экан, деган хулоса келиб чиқади.

Саййид Абдуллоҳ Барзишободийдан кейин мос равишда Рашидуддин Муҳаммад Бидавазий (ваф. хиж. 877 / мил. 1472 й.), Шох Али Исфаройний, Ҳожи Муҳаммад Хабушоний (ваф. хиж. 938 / мил. 1532 й.), Ғулом Али Найшабурий (ваф. хиж. X / мил. XVI аср) ва Тожуддин Ҳусайн Табодқоний (ваф. хижрий XI аср бошлари) бир-биридан ўтиб, тариқатни бошқаришни ўз зиммаларига оладилар ва уларнинг барчаси хуросонлик бўлганликлари учун бу тариқатнинг Хуросондаги марказийлашуви икки асрдан ортиқ сақланиб қолади. Бу даврда Ўрта Осиёда “Силсилат уз-заҳаб” тарафдорлари анча кўпаяди. Жумладан, Ҳожи Муҳаммад Хабушонийнинг машхур шогирди – Камолиддин Ҳусайн Хоразмий шогирдлар тайёрлаб, бу силсилани мустаҳкамлайди, Хоразм, Самарқанд ва бошқа жойларда хонақоҳлар барпо этади. Кексалик чоғида ҳаж амалини адо этиб, Сурияга сафар қилади ва Дамашқда хонақоҳ курдиради.[13: 109.] Ҳожи Муҳаммаднинг яна бир шогирди Муҳаммад Зоҳид Жомий Балхий ўша давр тасаввуфини, айниқса, Ўрта Осиёдаги Заҳабия тариқатининг фаолиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиладиган “Риёз ал-авлиё” китобини ёзади.

Шох Али Исфаройнийдан кейин Пири Паландоз (асли Пир Парехдоз) номи билан машхур бўлган Дарвеш Муҳаммад Карандий (ваф. хижрий 1037 / милодий 1628 йил), ундан кейин унинг жияни Хотим Заравандий (ваф. хиж. 1057/ мил. 1647 й.), Шайх Хотимдан кейин эса Муҳаммад Али Муаззин Сабзаворий (ваф. 1078 хижрий / милодий 1667 йил) бу тариқатни бошқарган.

Унинг муҳим асари “Тухфаи аббосий”да сўфийлик таълимоти ва Заҳабия тариқатининг амалий жиҳатлари ҳақида баҳс юритилади.[14: 1/254-278.]

Шайх Хотим вафотидан кейин Заҳабия тариқати шариат аҳлининг қаттиқ қаршилигига учрайди. Муҳаммад Али Муаззин Хуросоний раҳбарлигида Исфаҳон ва Машҳадда уларга қарши ҳаракатлар юзага келади. Шох Аббос II уларни кўллаб-қувватлаб, муҳолифларни мағлуб этишга кўмаклашади.[15: 431-437.]

Шайх Хотимдан кейин унинг ўрнига табрезлик Нажибуддин Ризо Заргар (ваф. хиж. 1108 / мил. 1696 йил) ўтиради, лекин Шох Сулаймон Сафавий даврида уламолар яна Заҳабияга қарши бош кўтардилар. Вазият мураккаблашгач, Нажибуддин тариқат марказини Хуросондан Форсга кўчиради. Унинг энг муҳим асарларидан “Нур ал-ҳидоя” ва “Маснавий сабо ал-матоний” номли китобларини зикр этиб ўтиш мумкин. Иккинчи асари “Маснавийи маънавий”нинг еттинчи китоби сифатида ҳам тилга олинади. Унинг вориси Алинки Истеҳбанотийдан кейин Саййид Қутбиддин Муҳаммад Найрезий (ваф. хиж. 1173 / 1760 й.) тариқат бошига келади ва унинг даврида Сафавийлар сулоласи барҳам топади.[16: 266.]

Саййид Қутбиддин Муҳаммад Найрезий Сафавийлар даврининг охирида Заҳабия тариқатининг қайта тикловчиси, деган ном олган. Чунки у фақиҳлар ва сўфийлар ўртасидаги қарама-қаршилик авжига чиққан даврда Заҳабияни турли камситишлар, нафрат ва қаршиликлардан ҳимоя қила олган. У илмли киши бўлиб, ақлий ва нақлий илмларда етук олим бўлган, тасаввуфда эса Шайх ул-акбар Мухйиддин Ибн ал-Арабийнинг ирфоний таълимотига қизиққан, шиа тасаввуфида назм ва насрда кўплаб асарлар қолдирган. Улардан энг муҳими “Ал-Хаттоб”нинг Тавҳид, илм, васийлик, асл ва қиёматни таърифлаш, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларини баён қилишдаги бобидир. Бу асарнинг қисқача мазмуни унинг олима қизи Амсалмо Бегум томонидан “Жомеъ ал-Куллиёт” номли китобида жамланган.[17: 3/217-218.] Айримларнинг фикрича, Саййид Қутбиддин шиа ақида ва маросимлари, ҳикмат ва тасаввуф илмларидан фойдаланиб, Машоия ва Ишроқ ҳикматларига қарши “Шиа имомлари валояти” ҳақидаги таълимотни яратган. Бу таълимот тасаввуфнинг назарий жиҳати билан боғлиқ бўлган трансцендентал ҳикматга нисбатан кўпроқ амалий жиҳатга эга эди.[18: 3-4] Шу нуқтаи назардан, аргумент шундан иборатки, барча мумкин бўлган ақллар умумий ақлнинг нурлари ва маъсумлар ҳақидаги хабарларнинг барчаси ҳақиқатга, балки Худо ҳақидаги билимлар ҳақиқатига асосланади.

Зандия ва Қожор сулолари ҳукмронлик қилган даврларида Заҳабиянинг энг улуғ шайхлари қуйидагилар бўлган:

1. Оғо Муҳаммад Ҳошим Дарвиш Шерозий (ваф. ҳиж. 1199 / мил. 1785 й.). Шерозда нисбатан тинч давр ўтказган Саййид Қутбиддиннинг вориси ва куёви. Каримхон Занд билан яқин алоқалар ўрнатганлиги сабабли Заҳабиянинг бу даври бошқа даврлардан кўра анча тинчроқ эди. Ундан “валоят” мавзусида турли асарлар қолган.

2. Унинг куёви Мирзо Абдулнаби Шерозий (ваф. ҳиж. 1231 / мил. 1816 й.) Шохчароғ номи билан машҳур Остони Аҳмад Бин Мусода раҳбарлик қилган;

3. Абдул Набийнинг ўғли Абулқосим Мирзо Бобо Шерозий лақабли Роз Шерозий (ваф. ҳиж. 1286/ мил. 1869 й.).

4. Унинг ўғли Жалолиддин Маждалашраф (ваф. ҳиж. 1331/ мил. 1931 й.). Улар ҳам тахминан 70 йил Шохчароғда раҳбарлик қилишган. Роз Шерозий Заҳабия тариқатининг энг сермаҳсул муаллифларидан бири бўлган. Отаси каби кўшлаб фармонларга эга бўлган Маждалашраф бу сулоланинг Эроннинг турли жойларида, жумладан, Озарбайжон, Хуросон, Исфаҳон, Форсда гуллаб-яшнашига сабаб бўлган.[19: 527-529.] Унинг орзусидаги нажот кемасининг машҳур тасвирини Заҳабия пирларидан бири Воҳид ал-Авлиё чизган экан. Ушбу тасвир тариқатнинг рамзи сифатида Заҳабия тариқати хонақоҳларининг кириш қисмида қўйилган. Тасвирни ҳозиргача Заҳабия тариқати ихлосмандларининг уйларида ҳам учратиш мумкин.[20: 156-158.]

Баъзи манбалар Заҳабиянинг Маждалашрафдан кейин бўлиниши ва ундан кейин унинг васиятига кўра акаси Муҳаммад Ризо ва унинг ўғли Аҳмад Шарифий (ваф. ҳиж. 1311 / мил. 1893 й.) ва набираси Муҳаммад Ҳусайн Шарифий масъулиятни ўз зиммаларига олганликлари ҳақида маълумот беради. [21: 383.] Аммо бошқаларнинг фикрича, 14 йиллик муваққат даврдан сўнг Маждалашраф ўрнига Воҳид ал-Авлиё лақабли Мирзо Аҳмад Хушнавий Табрезий (ваф. ҳижрий 1333 йил) ва ундан кейин Муҳаммад Али Ҳайдар (ваф. ҳиж. 1342 й.) ва Абдулҳамид Ганжавиён (ваф. ҳиж. 1389 й.) келган. Улар солиқларни хидоят этишга масъул бўлганлар. Турли фикрлар ва бир-бирига қарши мунозарали маълумотларга қарамай, бугунги кунда Заҳабия тариқати издошларининг кўпчилиги Воҳид ал-Авлиёни Маждалашрафнинг ҳақиқий давомчиси, тариқатнинг ўттиз еттинчи қутби деб биладилар.[22: 62-76.] Воҳид ал-Авлиё шогирд тарбиялашдан ташқари Шероздаги ҳовлисида босмаҳона қуриш, у ерда шиа мазҳабида фойдаланаладиган ҳадислар ва тасаввуфий асарларни нашр этиш билан шуғулланган.[23: 552.]

Бугунги даврда Заҳабия тариқатининг Шероз, Дезфул, Техрон, Машҳад, Табрез, Аҳвоз ва Рашт шаҳарларида 7 та расмий хонақоҳлари ва бошқа шаҳарларда ҳам ўз уйларида йиғиладиган издошлари бор. Эрондан ташқарида уларнинг ягона расмий хонақоҳи Англиянинг Саутгемптон шаҳрида фаолият юритади.

Заҳабияда “Қутб” масаласи

Заҳабия тариқатида “Қутб” деганда илоҳий хидоят орқали маънавий-руҳий камолот босқичларидан ўтиб, “фано” босқичидан сўнг “Бако биллоҳ” босқичига етиб, Аллоҳ таоло ва Имомнинг марҳаматини англашга эришган Комил инсон ёки валийлик мақомига эришган киши тушунилади.

Заҳабиянинг амалдаги пешвоси “Қутби Нотик” деб аталган ва фақат угина суфиёна кашфларга муҳрланган сирли маъноларни талқин этиш ҳуқуқига эга деб ҳисобланган, унинг халифасини эса “Қутб ас-Сомит” деб аташган. Бу атамалар Исмоилия мазҳабининг ўзига хос атамаларидан ҳисобланади.[24: 290.]

Заҳабия тариқати асос солинган даврдан ҳозирги кунга қадар 39 киши “Рукн” ва бир киши “Қутб” номлари билан аталган.

Заҳабия пешволарининг имомларга нисбат берилиши ва уларнинг баъзи эътиқодлари шиа уламолари томонидан рад этилган.

Тасаввуфнинг Маъруф Кархий, Сари Сақатий, Жунайд Бағдодий ва Шаҳобиддин Суҳравардий каби пешволари Заҳабия тариқатининг улуғ қутблари сифатида тилга олинади.

Аҳли Байтга нисбат бериш

Насл-насабини Пайғамбар авлодлари – имомлар номи билан боғлаш Заҳабия ақидаларидан биридир. Заҳабия тариқати барча авлиёларнинг Ҳазрат Алига олиб борувчи занжирини, Абу Жумхур ал-Ҳисоийнинг китобидан Пайғамбар (с.а.в.)нинг Меърожга чиққанда Жаброил орқали Аллоҳ таолодан хирқа олганини ривоят қилади. Заҳабия тариқатининг эътиқоди бўйича Пайғамбар (с.а.в) Меърождан сўнг бу хирқани Ҳазрат Алига берган ва у ҳам бошқа имомларга, имомлар эса тариқат пешволарига топширганлар.

Заҳабия тариқати ўзига хос ақидалар тизимига эга. Баъзилар уларнинг Аҳл ал-байт ва шиа билан алоқасини танқид қилганлар.

Бу сулола машҳур Маъруф Кархий орқали Имом Ризога боғланади ва имомнинг отаси Мусо ибн Жаъфарга нисбатланади. Бу нисбат Ҳазрат Али ва Ислом пайғамбарига етгунча давом этади.

Шамсия ва Қамария валоятлари

Заҳабия тариқати валоят (валийлик)ни икки турга ажратади: Мутлақ Шамсия (Куёш) валояти ва қисман Қамария (Ой) валояти. Заҳабийларнинг эътиқодича, Мутлақ Шамсия валояти Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ва ун икки имомга тегишли бўлиб, бу мақомда уларнинг исмлари тўлиқ намоён бўлади. Мутлақ Шамсия (куёш) валояти Аллоҳ таолонинг барча сифатлари, камоли ва жамоли зухур топишини англатса, қисман Қамария валояти тасаввуф пешволарига тегишли ҳисобланади.

Заҳабия тариқати сўфийлари Имоми Замон йўқлигида оининг қисман васийлигига эга бўлган ва имом билан маънавий алоқада бўлган кишиларнинг камолотга етишишига ёрдам беради, деб эътиқод қилишади.

Тариқат одоби

Барча тасаввуф тариқатлари сингари Заҳабий тариқатида ҳам хонақоҳ маросимлари, жумладан, муршид ва мурид одоби, муридни тариқатга қабул қилиш одоби, зикр одоби, самоъ маросимлари ва сайру сулук қоидаларига қатъий равишда риоя қилинади. Бу маросимлар орасида мақомга етган шахсни олдинги кутбдан кейинги кутбга ўтказиш чоғида хирқа кийдириш маросими ҳам бор.

Заҳабия - диний-фалсафий таълимот

Баъзилар Заҳабия тариқатида иғроқ ва муболағага йўл қўйилган, деб ҳисоблайдилар. Бунга кўшимча равишда эзотеризмга ҳам эътиқод қилинган, деганлар ҳам бор. Заҳабийлар Қуръоннинг ботиний маъноларини унинг зоҳирий маъноларидан осонгина тушуниш мумкин, дейдилар. Уларнинг эътиқодига қараганда Худонинг рухий уйи ички уй, Худонинг муқаддас уйи эса ташқи уйдир.

Сайид Абдуллоҳ Барзишободий ҳам бошқа тасаввуф тариқатларида бўлгани каби маърифат (билиш) илмини қуйидаги 3 даражада кўриб чиқади:

- Илм ул-яқийн;
- Айн ул-яқийн;
- Ҳаққ ул-яқийн.

“Илм ул-яқийн” даражасида изловчи ўша мавжудликдан бошқа ҳеч бир моҳият, сифат ёки воқеликнинг тўғри ва ҳақиқат эмаслигига амин бўлади. “Айн ал-яқийн” даражасида борлик ва йўқлик ўртасидаги ҳижоб (парда, тўсиқ) унинг кўзларидан ғойиб бўлади ва у дунёдаги ҳеч нарсада ҳақиқий мавжудлик йўқлигини ва ҳақиқий борлик фақат Унга тегишли эканлигини англайди. Улуғлар даражасида ҳидоят нурлари туфайли бирлаштирувчи ҳақиқат аҳли ваҳдат сирларини кузатади ва унга ҳақиқий борлик ҳақиқат эканлиги, йўқликнинг борлиги эса йўқлик ҳукмига эга эканлиги ошкор бўлади.

Барзишободий борликни икки даражага, яъни Ваҳдат (бирлик)нинг бирлиги ва Касрат (кўшлик)нинг бирлигига ажратади ва ўзига хос борлиқшуносликдан фойдаланган ҳолда кўшликнинг бирлигини қуйидаги 3 хилга тақсимлайди:

- мутлақ нур;
- зулмат;
- мутлақ зулмат.

Унинг фикрича, мутлақ ёруғлик ўзига хослик билан бир хил бўлиб, кўшимчалар ва аниқликлар йўқлиги сабабли уни кузатишнинг имкони йўқ. Аммо унинг тажаллийси ва сифатларини Коинот пардаси ортидан тушганидан кейин мушоҳада этиш мумкин. Зулматнинг ўзи уч хил бўлади:

- мутлақ зулмат (мутлақ йўқлик);
- жаҳолат зулмати;
- сезиладиган зулмат (тун ва қоронғу жой).

Саййид Қутбиддин Найрезий борлиқнинг аслигига ишонади, ваҳдатни унинг тамойили, даражалар кўшлиги ва борлиқнинг айрим кўринишлари, деб ҳисоблайди. У борлиқнинг маънавий ва лафзий бирлигини инкор этиб, борликни 3 хил:

- моҳият бирлиги;
- исм ва сифатлар бирлиги;
- амал ва иш бирлиги, деб билади. Худди шундай баъзи Заҳабия шайхлари амал ва ишларни 4 тўртга бўлиб, илоҳий зоҳирларни кўриб чиққанлар.[25; 178-180.]

Саййид Қутбиддин назарида борлиқ моҳиятининг бирлиги сон билан белгиланмайди, бирлик бирликдир, ундов бирлиги эса кўшлик манбаидир.

Тасаввуф фалсафаси Касрат (кўшлик)да чинакам Ваҳдат (бирлик)ни кузатади, ҳис ва идрок орқали кўшликнинг бирлигини кўради, чунки бирлик кўшликнинг энг ички қисми, Касрат (кўшлик) эса Ваҳдат (бирлик)нинг кўринишидир. Бироқ, ҳуқуқнинг моҳияти борлик ва йўқлик, ҳатто мутлақ ва боғловчи кўшимчаларнинг таърифидир.[26: 66-68.] Шайх Заҳабийнинг таъкидлашича, маъсум имомлар ўзларининг маънавий сафарларида Муҳаммад (с.а.в.) билан бирлик ва борлик ваҳдати мавқеига эришганлар. Пайғамбарнинг борлиги ҳам Ҳақ борлигида фано бўлди ва у бандалик даражасидан маҳбуб даражасига кўтарилди.

Заҳабия тариқатида “валоят” тушунчаси асосий тушунчалардан биридир. Бу тушунча Тавҳид ва Нубувват (Пайғамбарлик)ни ўз ичига олган бўлиб, намоз, рўза ва ҳаж билан бирга диннинг асосларидан бири саналади. Уларнинг назарида “валоят” икки маънога эга:

1. Тавҳид ва Нубувватдан юқори бўлган “Мутлақ илоҳий валоят”.

2. Нубувват остида бўлган ва Пайғамбар (с.а.в.)нинг “Маъсумия валояти” ёки “қисман валоят”.

Шунингдек, “Мутлақ илоҳий подшоҳлик” деганда илоҳий ишқ ва илоҳий ҳукмронлик назарда тутилади. “Мутлақ илоҳий подшоҳлик” ваҳдат табиати билан бир бўлиб, унга ташқаридан ҳеч ким жалб этилмайди, зоҳири Пайғамбар (с.а.в.), Ҳазрат Али ва унинг фарзандлари валояти биландир. Бошқа пайғамбарлар бу имтиёзга эга эмаслар. Саййид Қутбиддин Найрезийнинг фикрича, маъсум имомларнинг халифалиги ишқ нури бўлиб, ишқ маъносини билдирувчи “Валоят” мақомига Комил инсон ва Илоҳий валий билан мулоқот қилиш орқалигина эришилади. “Набийи давлат” бутун давлат нуридан файз олган бўлиб, у пайғамбарлар ва авлиёлар ўртасида қарор топган ҳолда даражаларига кўра тақсимланади. Бу турдаги боғланишга маъсум имомлар валояти билан боғланиш туфайли эришилади.[27: 25-29.] Заҳабия назарида Валоят билан чуқур алоқадор мавзулардан бири ишқ масаласи, яъни Али ва у зотнинг авлодларига бўлган муҳаббатдир. Заҳабия пешволарининг фикрича, Аҳли байтга бўлган муҳаббат илоҳий ишқ белгисидир. Шу муҳаббатнинг ўзи тўғри йўлда бўлишдан далолат беради. Солик Аллоҳнинг ҳамма жойда борлигини чуқур ҳис этиши керак.[28: 9-10, 18.] Замона Имоми билан муносабат ёки қалбий робита тамойили бу тариқатда хулқ-атворнинг энг юксак даражаси ҳисобланади. Бу тамойил ғайб даврида алоҳида аҳамиятга эга. Мирзо Бобо Шерозийнинг фикрича, ғайб даврида беш фарздан кейин энг яхши итоат, Имом Маҳдий билан қалбан боғланиш ва у зотнинг зоҳир бўлишини кутишдир.[29: 1/116.]

Амалий тасаввуф

Бу тариқатга эргашганлар Заҳабияни ҳақиқатга эришишнинг тўғри йўли деб билдилар. Уларнинг фикрича, агар кимдир ўзини “Восил” деб атаса-ю, “Восил” киши ҳеч қандай фарзни бажариши шарт эмас, деса, у билан мулоқот қилишдан қочиш керак, чунки бундай киши ширк келтирган ҳисобланади.[30: 37.] Заҳабийларнинг ақидасига кўра Аллоҳ таоло салтанат мулкидан банда қалбига, қалбдан қалбга, қалбдан эса шаклга йўл очади. Кўринмас олам ҳам худди шу тартибдадир. Биров ёмон иш қилса, ўша иш худди шундай руҳга ҳам таъсир қилади ва банда билан Раббнинг ўртасида ҳижоб (парда, тўсиқ) ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло бу зулматнинг йўлини шариат қалити орқали очишга имкон берган. Бу қалитнинг 5 та тиши бор: намоз, рўза, ҳаж, закот ва жиҳод.[31: 164-165] Шариат аҳкоми шунчалик муҳимки, 14 та аҳкомнинг биринчи қондаси шариат одатлари ва унга алоқадор масалаларни ўрганиш ва уларга амал

қилиш ҳамда мужтахид Жомеъ аш-шариатнинг қавли ва амалларига амал қилишдир.[32: 53-54.] Шуниси эътиборга лойиқки, Заҳабияда зикрларни тарк этмаслик, китоб ўқиш, рўза тутиш, хумс, закот, фитрлик ва бошқа шаръий ҳақларни тўлаш каби қоидаларни бажариш ҳам шарт ҳисобланади. Жумладан, кечалари хушёр туриш, Қуръони каримни узлуксиз тиловат қилиш, Ражаб, Шаъбон, Рамазон ойлари (уч ой) ва муборак кунларда рўза тутиш, икки қирқ кунда ҳайвонлар гўштини истеъмол қилишдан сақланиш рўзасини тутиш.

Арбаини Хусайний (11-Мухаррамдан 20-Сафар ойигача) ва Мусовий (1-Зулқаъдадан 10-Зухижжа ойигача) маросимларини ўтказиш ҳам уларнинг бурчидир.

Барзишободий тариқат одобларини қуйидаги 7 бандда санаб ўтади:

- зикрни сидқидилдан бажариш;
- изланиш;
- сабр қилиш;
- эътироз қилмаслик;
- поклик;
- ёлғизлик (тажрид);
- зикр қилишда қиблага юзланиб, тўғри ўтириш.[33: 30-47.]

Албатта, турли манбаларда бу ҳолатларнинг ҳар бирида турлича шартлар мавжуд, масалан, ёлғизлик учун 8 та шарт зикр қилинган.[34: 37-41; 32-41.]

Заҳабия манбаларида қайд этилишича, шайхлик мақоми 5 та устундан иборат:

- итоат этиш;
- ҳақиқатларни илоҳий инъом сифатида қабул қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- раҳм-шафқатли бўлиш;
- қалбни руҳий, ақлий ва шахвоний таъсирлардан поклаш орқали илмни бевосита Аллоҳ таолодан ўрганиш;
- воситасиз илм ўрганиш орқали Аллоҳнинг зоти ва сифатларини маърифат этишдир.[35: 384-387.]

Бундан ташқари, шайхлик ва шогирдлик мавқеи учун 20 та сифат санаб ўтилган Яна бир жиҳат шундаки, Заҳабия шайхлари ўн икки имом (шиъа эътиқодида улар “маъсум” деб аталади)нинг сўзларига ишора қилган ҳолда жаҳрий (очиқ) зикрни ҳам, хафий (яширин) зикрни ҳам яхши, лекин хафий зикрни афзалроқ деб билишган.[36: 39; 317-329.]

Хулоса

Заҳабия тариқати Тасаввуф таълимоти тарихи ва фалсафасида ўзига хос ўринга эга. Бу тариқат Кубравия тариқатининг бир шохобчаси сифатида юзага келиб, қисқа бир муддат ичида мустақил тариқат даражасига кўтариллади. Тариқат шаклида шуҳрат топган пайтидан бошлаб шиа мазҳаби фақеҳларининг қаттиқ қаршилигига учрашига қарамай, ушбу мазҳаб эътиқоди доирасида фаолият юритади.

Албатта, бунинг тарихий-ижтимоий сабаблари бор эди. IX асрдан Аҳли суннат вал-жамоат эътиқодида мустаҳкам бўлиб келган Тасаввуф таълимоти XIV асрга келиб Шайх Сафийиддин Ардабили туфайли шиа эътиқодига ҳам мойиллик билдира бошлади. Айнан ана шу даврда шиаликка асосланган “Сафавия” тариқати вужудга келди. Сафавия тариқати Ғарбий Эронда (Эроннинг Озарбойжон қисмида) вужудга келиб тарқалган бўлса-да XV асрга келиб Сафавийлар давлати барпо этилгач, янада кучайди ва таъсир доирасини Хуросонгача кенгайтirdи. Ана шундай вазиятда шиа эътиқодида бўлган баъзи сўфийлар Заҳабия силсиласига кўшилдилар. Уларнинг ушбу силсилага кириши Заҳабиянинг шиалашшига сабаб бўлди. Заҳабиядан сўнг кетма-кет Нурия, Нурбахшия ва Неъматуллоҳия каби шиа тариқатлари шаклландилар. Бу тариқатларнинг вужудга келиши Заҳабиянинг шиа эътиқодида қолиб кетишини таъминлади. Аммо, масаланинг яна бир асосий жиҳати ҳам бор: бу – Заҳабиянинг сарчашмаси бўлмиш Кубравия тариқатининг Аҳли суннат вал-жамоат эътиқодига урғу бермасдан “Олами кубро” ва “Олами суғро” ҳамда “Латойиф” каби фалсафий масалаларга эътибор қаратиши ҳам кейинги даврларда унинг шуъбаларининг ҳам мазҳаб масаласига эътиборсизлик билан муносабатда бўлишига йўл очиб берган.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Заҳабия тариқати Тасаввуф тарихининг бир бўлаги. Уни бошқа тариқатларнинг сайру сулук одоби ва диний-фалсафий назариялари билан қиёсий равишда ўрганиш Тасаввуф тарихи ва фалсафасини янада чуқурроқ ўрганиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1

سجادی سید ضیاءالدین. مقدمه ای بر مبانی عرفان و تصوف. – تهران: سازمان مطالعه و تدوین کتب علوم انسانی دانشگاههای "سمت". 1372. – ص.234.

2

استخری، احسان الله علی، اصول تصوف، تهران، ۱۳۳۸ ش؛ ص. 325.

3

شوشتري، نورالله، مجالس المؤمنين، تهران، ۱۳۷۶ ش. 145-143/2.

4

شوشتري، نورالله، مجالس المؤمنين، تهران، ۱۳۷۶ ش. 145-144/2.

معصوم عليشاه، محمد معصوم، طرائق الحقائق، به كوشش محمدجعفر محجوب، تهران، ۱۳۳۹ و ۱۳۴۵ ش.
345-344/2

5.

برزش آبادي، عبدالله، مظهر العجائب و مخزن الغرائب، به كوشش علي رضايي، مشهد، ۱۳۹۳ ش.

صص.37-36.

زرگر تبريزي، نور الهدايه، تهران، ۱۳۲۵ ش. صص.292-290.

اصطهباناتي، عينيقي، برهان المرتاضين، به كوشش محمد هرتمني، اصفهان، ۱۳۸۲ ش. صص.189-187.

6

اصطهباناتي، عينيقي، برهان المرتاضين، به كوشش محمد هرتمني، اصفهان، ۱۳۸۲ ش. صص.184-183.

ميرزا بابا شيرازي، ابوالقاسم، مقدمه بر دو رساله در حالات و كرامات حضرت شاه چراغ، به كوشش همو،

شيراز، 1378. ص.308.

7

زرگر تبريزي. نور الهدايه. - تهران، صص. 289-285.

8

خاوري، اسدالله، ذهبييه: تصوف علمي - آثار ادبي، تهران، ۱۳۶۲ ش. 101-94/1.

9

شوشتري، نورالله، مجالس المؤمنين، تهران، ۱۳۷۶ ش. 145-144/2.

معصوم عليشاه، محمد معصوم، طرائق الحقائق، به كوشش محمدجعفر محجوب، تهران، ۱۳۳۹ و ۱۳۴۵ ش.

344/2.

زرين كوب، عبدالحسين، دنباله جست وجود در تصوف ايران، تهران، ۱۳۸۰ ش. ص.264.

مشكور، محمدجواد، فرهنگ فرق اسلامي، به كوشش محمدجواد حسيني زري، مشهد، ۱۳۷۵. ص.198.

10

استخري، احسان الله علي، اصول تصوف، تهران، ۱۳۳۸ ش؛ ص. 322-215-53.

11

اسيري لاهيجي، محمد، مفاتيح الاعجاز في شرح گلشن راز، به كوشش محمدرضا برزگر خالقي و - ص.585.

عفت كرباسي، تهران، ۱۳۷۱

12

میرزا بابا شیرازی، ابوالقاسم، قوانم الانوار و طوابع الاسرار، به کوشش خیرالله محمودی، قم، ۱۳۸۳. ص.

.87

میرزا بابا شیرازی، ابوالقاسم، مرصاد العباد، تبریز، رضایی؛ نیری، محمدیوسف، مقدمه بر خورشید جان (قصیده شمسیه) محمدششم درویش شیرازی، به کوشش همو، شیراز، ۱۳۸۱ ش. صص. 2-14-4-29.

13

خوارزمی، حسین، جادة العاشقین، تصویر نسخه خطی موجود در کتابخانه مرکز؛ درویش شیرازی، محمدششم، مناهل التحقيق، به کوشش محمدیوسف نیری، شیراز، ۱۳۸۲. ص. 109.

14

خاوری، اسدالله، ذهبیه: تصوف علمی - آثار ادبی، تهران، ۱۳۶۲ ش. 278-254/1.

15

زرگر تبریزی، نجیب‌الدین رضا، سبع المثانی، تهران، ۱۳۶۰ ش. صص. 437-436-431.

16

زرگر تبریزی، نجیب‌الدین رضا، سبع المثانی، تهران، ۱۳۶۰ ش. ص. 360؛ زرین‌کوب، عبدالحسین، دنباله جست و جو در تصوف ایران، تهران، ۱۳۸۰ ش. ص. 266.

17

معصوم‌علیشاه، محمدمعصوم، طرائق الحقائق، به کوشش محمدجعفر محجوب، تهران، ۱۳۳۹ و ۱۳۴۵ ش. 218-217/3

18

افتخار، مهدی، مقدمه بر جامع کلیات (نک: هم، نیریزی، امسلمه)؛ امین‌الشریعة خویی، ابوالقاسم، میزان الصواب در شرح فصل الخطاب قطب‌الدین محمد نیریزی، به کوشش محمد خواجه‌ای، تهران، ۱۳۸۳ ش. صص. 3-4.

19

استخری، احسان‌الله علی، اصول تصوف، تهران، ۱۳۳۸ ش. - ص. 529-527.

20

مدرسی چهاردهی، نورالدین، سلسله‌های صوفیه ایران، تهران، ۱۳۶۰ ش. صص. 158-156.

21

پرویزی، شمس‌الدین، گفتار خاتمه مجموعه ده رساله به انصام رساله نوریه. تبریز، ۱۳۷۶ ق. ص. 383؛

22

حالی، محسن، تذکرة السالکین، به کوشش محمد خواجه‌ای، شیراز، ۱۳۸۷ ش. صص. 76-62.

23

استخری، احسان‌الله علی، اصول تصوف، تهران، ۱۳۳۸ ش. ص. 552.

24

مدسی چهاردهی نورالدین. سیری در تصوف اشراقی. جلد دوم. - تهران - 1361. ص. 290.

25

برزش آبادی، عبدالله، شرح لمعات شیخ فخرالدین عراقی، به کوشش احمد قدسی، تهران، ۱۳۷۹ ش. 125-

؛126

زرگر تبریزی، نور الهدایه، تهران، ۱۳۲۵ ش. - صص. 178-180.

26

نیریزی، قطب‌الدین محمد، رساله روحیه و منظومه منهج التحریر، ترجمه و به کوشش محمد خواجه‌ای، قم، ۱۳۸۱ ش. - صص. 66-68.

27

مجدالاشراف، محمد، مرآت الکاملین، چ سنگی، بی‌تا؛ همو، مقدمه بر طباشیر الحکمة (نک: هم، میرزا بابا شیرازی)؛ مدرسی چهاردهی، نورالدین، سلسله‌های صوفیه ایران، تهران، ۱۳۶۰ ش. - صص. 25-28-29.

28

نیریزی، قطب‌الدین محمد، منظومه انوار ولایت، به کوشش محمد خواجه‌ای، تهران، ۱۳۸۳ ش. - صص. 9-10-18.

29

میرزا بابا شیرازی، ابوالقاسم، تذکرة الاولیاء، شیراز، ۱۳۲۶ ش. - 116/1.

30

نیریزی، قطب‌الدین محمد، قصیده عشقیه در حقیقت عشق الهی، به کوشش محمدرضا ذاکر عباسعلی، تهران، ۱۳۸۳ ش. ص. 37.

31

مؤذن خراسانی، محمدعلی، تحفة عباسی، تهران، ۱۳۸۲ ش. 164-165.

32

سلماسی، پرویز، جواهر الکلام و مفتاح المرام، به کوشش مریم‌بانو بردبار، شیراز، ۱۳۸۷ ش. - صص. 53-54.

33

سلماتی، پرویز، جواهر الکلام و مفتاح المرام، به کوشش مریمبانو بردبار، شیراز، ۱۳۸۷ ش. – 47-30.
صص.

34

برزش آبادی، عبدالله، مظهر العجائب و مخزن الغرائب، به کوشش علی رضایی، مشهد، ۱۳۹۳ ش. –
صص.37-41.

برزش آبادی، عبدالله، رساله کمالیه، شیراز، ۱۳۵۰ ش. – صص.32-41.

35

مؤذن خراسانی، محمدعلی، تحفة عباسی، تهران، ۱۳۸۲ ش. – صص.384-387.

36

برزش آبادی، عبدالله، مظهر العجائب و مخزن الغرائب، به کوشش علی رضایی، مشهد، ۱۳۹۳ ش. –
صص.39.

مؤذن خراسانی، محمدعلی، تحفة عباسی، تهران، ۱۳۸۲ ش. – صص.317-329.